

# Жорий-таъмирлаш ишларини бажариш буйича

№ 6- сонли пудрат TX74041051

## ШАРТНОМАСИ

2022 йил « 30 » Ноябрь

Уйчи шахарчаси

Кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Уйчи туман мактабгача таълим бўлими номидан низом **асосида** иш курувчи Э.Туррабоева бир томондан ва кейинги уринларда «Пудратчи» деб юритиладиган **«NAHL GRAND» MCHJ** номидан **А.Бойдедаев** иккинчи томондан Узбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тугрисида»ги 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684-сонли конуни талабига асосан электрон порталга **куйилган** 2022 йил 28-Ноябрдаги № 192402-сонли эълонга асосан мазкур пудрат шартномасини туздилар

### I.Шартнома мавзуси

1.Пудратчи мазкур шартнома буйича «Буюртмачи» тасарруфидаги **25-сонли мактабгача таълим ташкилоти** жорий таъмирлаш ишлари мажбуриятини олади Буюртмачи эса Пудратчига шартномага мувофик объектларни Жорий таъмирлаш учун зарур шароитлар яратади, бажарилган ишларни кабул килиш ва конунчиликда белгиланган тартибда толовни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### II.Умумий шартлар

- 1.Бажарилган ишлар далолатномаси (**Ф-2**) лимитларга ёки бошка харажатлар Пудратчи ва Буюртмачи билан узаро тасдикланган (**Ф-2, Ф-3**) асосида хисобга олинади хамда толов учун тақдим этилади.
- 2.Хизматларни бажариш учун Буюртмачи Пудратчига иш майдонини уз вактида бушатиб беради.
- 3.Бажарилган ишлар далолатномаси хар ойнинг 28-кунигача Пудратчи томонида Буюртмачига тақдим этилади ва Буюртмачи томонидан тасдикланади.
- 4.Буюртмачи Пудратчи дан бажарилган ишларни микдори ва сифатини текшириб кабул килиб олади. Бажарилган иш сифати проект-смета хужжатларига тугри келмаса Пудратчи камчиликларни уз хисобидан бартараф этади.

### III.Пудратчининг мажбуриятлари

- 1.Барча ишларни мазкур шартномада наъзарда тутилган хажмда ва муддатларда узининг кучлари ва жалб килинган кучлар билан бажариш хамда ишни Буюртмачига мазкур шартларига мувофик топширади.
- 2.Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомда субпудратчилар билан шартномалар тузилиши ва шартнома мавзуси, субпудратчининг ном ва манзили тугрисида хабардор килиши.
- 3.Курилиш вактида техника хавфсизлигини, ишларни бажариш вактида атроф мухитни, утказилган дарахтни ва ер участкани муҳофаза килиш буйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш.
- 4.Мазкур шартномада наъзарда тутилган барча мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.
- 5.Пудратчи мазкур шартнома буйича барча ишларнинг тулик уз кучи билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши хамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тулик мулкий жавоб беради.
- 6.Таъмирлаш давомида лойиха смета хужжатларида хисобга олинмай колиб кетган ишларни ва тула муносабат билан кушимча ишларни бажариш ва курилишнинг смета кийматини ошириш зарурлигини аникласа бу тугрисида Буюртмачига ёзма равишда хабар беради.

### IV.Буюртмачининг мажбуриятлари

Г.Пудратчи томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини Кўриб чиқсан юрист: **DAVRANOVA ZOYOJON FAZILIDINOVICH** Хужжат раками: ВТ176-6761573

2. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни кабул килиш учун зарур ижро хужжатлари руйхатини тақдим этиши.
3. Мазкур шартномада наъзарда тутилган мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.

#### V. Туловлар ва хисоб-китоблар

1. Шартноманинг тузилаётган вактдаги умумий суммаси **79 980 000 (Етмиш тўқиз миллион тўқиз юз саксон минг)** сум этиб белгиланди. Ушбу сумма танлов тендер савдолари натижасида аникланган катъий сумма хисобланиб, амалдаги бозор нархларининг узгаришига ёки иш хаки туловларининг ошишига boglik равишда узгармайди.
2. Буюртмачи Пудратчига шартнома имзолангандан сунг 30 фоиз микдорида аванс утказади, бу эса **23 994 000 (Йигирма уч миллион тўқиз юз тўқсон тўрт минг) сумни** ташкил киласди. Колган туловлар Буюртмачи билан Пудратчи ургасида имзоланган далолатнома ( $\Phi$ -2,  $\Phi$ -3) ларга асосан 15 кун мобайнида Буюртмачи томонидан амалга оширилади.
3. Хисоб – китоб шакли: Пудратчининг банкдаги хисоб-ракамига пул утказиш йули билан амалга оширилади.
4. Шартнома буйича Пудратчи таъмиrlаш ишларини **2-Декабрь 2022** йилдан бошлаб **22-Декабрь 2022** йилгача тулик бажаради. Пудратчи таъмиrlаш ишларини муддатидан олдин бажариш хукукига. Бундай холатда узил-кесил хисоб-китоблар амалдаги конунчиликда ва ушбу шартномада курсатилган тартибда амалга оширилади.
5. Пудратчи объект топширилгунга кадар мазкур шартнома буйича объектга мулк хукукини узида саклаб колади. Объект Буюртмачига топширилгунга кадар объектнинг тасодифий йук килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида булади. Буюртмачи мазкур шартнома буйича уз зиммасига кабул килинган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб бажармаган тақдирда Пудратчи бу хакида конун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачининг ёзма равишда хабардор килиш керак.

#### VI. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

1. Пудратчи объектнинг уз вактида ишга тушириш буйича уз мажбуриятларни бузиб, ишларни вактида бажармагани учун Буюртмачига муддати утказиб юборилган **хар бир кун** учун мажбуриятларни бажарилмаган кисмининг 0,5 фоиз микдорида пеня тулайди. Бирок бунда пенянинг умумий суммаси бажарилган ишлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.
2. Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар ва хизматлар учун хаққини ўз вактида тўламаганлик учун Буюртмачи Пудратчига муддати утказиб юборилган **хар бир кун** учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,4 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирок бу кечиктирилган тулов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.
3. Пеня тулаш Пудратчини ишларнинг бажарилишининг ёки хизматлар курсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни коплашдан озод килмайди.

#### VII. Низоларни хал этиш тартиби

1. Шартномани бажаришда ва бекор килишда, шунингдек етказилган заарларни коплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар хал этаолмаса улар конун хужжатларида белгиланган тартибда иктисодий суди томонидан куриб чикилади.

#### VIII. Енгиб булмайдиган куч (форс-мажкор) холатлари

1. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар кисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ходисалари туфайли ва бошқа енгиб булмайдиган кучлар натижасида келиб чикса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса томонлар бунда тулик ёки кисман бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.
2. Мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган куч холатлари амал килган. Шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вактга мутоносиб равишда узайтирилади.

3.Агар енгиг булмайдиган куч холатлар ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан куп вактга чузилса у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация килиш учун кандай чоралар курилишини мухокама киладилар.

## IX.Шартномани бекор килиши

- Буюртмачи ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга купайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда
- Конун хужжатлариға мувофик бошка асослар буйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга
- Пудратчи томонидан шартнома шартлари тозалаш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда
- Объектда таъмирлаш ишлари Пудратчига боғлик булмаган сабабларга кура Буюртмачи томонидан бир ойдан ортик муддатга тухтатиб куйилганда.
- Буюртмачи томонидан молиялаштириш тухтатиб куйилганда конун хужжатлариға мувофик бошка асослар буйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.
- Мазкур шартномани бекор килишга карор килган томон мазкур булим коидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.
- Шартноманинг бир томонлама бекор килинишига йул куйилмайди, конун хужжатларида тутилган холлар бундан мустасно.

## X.Алоҳида шартлар

- Мазкур шартнома имзолангандан кейин мазкур шартномага тегишли булган томонлар уртасида барса олдинги ёзма ва битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро келишувлари уз кучин йукотади.
- Пудратчи курилиш обьектига ёки унинг алоҳида кисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташкари. Бирон бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукукига эга эмас.
- Мазкур шартномага барча узгarterиши ва кушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийда штирилган ва томонлар уларни имзолаган булса, хакикий хисобланади.
- Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча холлар учун амалдаги конун нормалари кулланилади.
- Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга булган 2 нусхада тузилди.
- Шартнома томонлар имзоланиб, Газначилик булинмасида руйхатдан утгандан сунг кучга киради. Амал килиш муддати 31 декабр 2022 йилгача.

### «ПУДРАТЧИ»

### «NAHL GRAND» МСНJ

Манзил: Уйчи тумани Шифокор МФЙ F.Фулом  
кўчаси №-15 уй

Х/Р: 20 208 000 301 043 705 001

Банк: Уйчи т., “Агробанк” АТБ Уйчи фил.

МФО: 00244 ИНН: 306203422

Телефон раками: 93 305 04-02

Рахбар

А.Бойдедаев

М.У



### «БЮОРТМАЧИ»

Уйчи туман мактабгача таълим бўлими

Манзил: Уйчи туман

Ш.Х.В 100022860142297091100251039

ИНН: 305150980 ОКОНХ: 85100

Уз Рес Молия Вазазирлиги Газначилиги

Газна х/р 23402000300100001010

«Марказий Банк Тошкент ХКМ»

МФО:00014. ИНН 201122919

МТБ бошлиғи \_\_\_\_\_ Э.Туррабоева

М.У



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

**BT1716761573**

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: 6-sonli pudrat shartnoma
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Uychi tuman maktabgacha ta'lif bo'limi tomonidan 01.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Uychi tumani yuridik  
markazi  
bosh yuristkonsulti:**



**I.F.DAVRANOV**

01.12.2022

**192402 лот юзасидан шаклланган дастлабки  
баённоманинг муҳокамаси натижаси бўйича расмийлаштирилган электрон  
баённомаси**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги 276-сонли қарорига асосан дастлабки электрон баённома у расмийлаштирилган кундан бошлаб давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди.

Икки иш куни ичидан иштирокчилар томонидан танлаш (тендер) ўтказиш натижалари бўйича эътиrozлар тушмаганлиги тўғрисида харид комиссияси аъзолари тегишли қарор қабул қилди.

Муҳокама тугаган сана:

30.11.2022 15:55

Комиссия раиси:

TURABOYEVA E'ZOZXON MAMAJONOVNA





Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida  
**GUVOHNOMA**

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

**"NAHL GRAND"** Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektning tashkiliy-huquqiy shakli ko'satilgan holdagi to'liq nomi)

**"NAHL GRAND" MChJ**

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

04.03.2019

694999

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR):

306203422

Tashkiliy-huquqiy  
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Namangan viloyati, Uychi tumani, Uychi, SHIFOKOR MFY G'G'ULOM  
KO'CHASI ,

Guvochnoma:

Namangan viloyati, Uychi tumani, DAVLAT XIZMATLARI  
MARKAZI tomonidan  
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):

